

# Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади

**Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1989 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган бўлиб, у бола ҳуқуқларига тааллуқли умумжаҳон миқёсда тан олинган стандартлар умумлаштирилган шу тоифадаги биринчи халқаро шартномадир. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин қўшилган илк халқаро конвенция ҳам ана шу ҳужжат ҳисобланади**

## Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун бу борадаги энг муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бухоро филиалида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган “Инсон ҳуқуқи — бола ҳуқуқи” мавзуидаги илмий-амалий конференцияда айнан ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ҳуқуқ-тартибот ва нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшмаси тизими, ёшлар ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конференция кун тартибидagi дастлабки масала — “Болалар ҳуқуқларини таъминлаш

соҳасидаги давлат сиёсати: асосий принциплар, мақсад ва вазифалар” мавзуида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов маъруза қилди.

Унда таъкидланганидек, Юртбошимизнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони эълон қилиниши мамлакатимизда инсон, шу жумладан, болалар ва ўсмир-ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларига алоҳида эътибор берилётганлигининг яна бир исботидир. Фармонда, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргалликда етакчи мутахассислар ва олимларни жалб этган ҳолда таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг яғни жамият барпо этишда фаол иштирок этишлари учун зарур социал, иктисо-

дий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар ҳам белгилаб қўйилган.

Конференция иштирокчилари, шунингдек, Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг мин-

такавий вакили Тошпўлат Сайидовнинг “Бола ҳуқуқлари — халқаро ва миллий меъёрлар”, Бухородаги “Ойдин нур” оилани ижтимоий химоялаш марказининг раҳбари Мавлуда Солихованин “Бола камолотида оила ва жамиятнинг ўрни”, Бухоро тиббиёт институти кафедра мудири, Бухоро болалар шифокорлари ассоциацияси раҳбари Нодира Шарипованин “Бола

ҳуқуқининг ижтимоий жиҳатлари” мавзуидаги маърузаларини ҳам тингладилар.

Илмий-амалий конференцияда вилоят ҳокимининг ўринбосари Олим Жумаев ҳам сўзга чиқди.

Шу кунги Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан чоп этилган янги китобларнинг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.



Солих ЗОИР олган сурат